


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Абдуллаев Б. Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар 3
Абдухалимов Б. Формуляры по семейному праву из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 12
Каримова Н. Сведения “Шуюй Чжоуцзылу” Ян Цзунцзяня по исторической географии Центральной Азии 24

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Бобоёров Ғ., Сувонкулов М. “Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари..... 34
Остонов Ж. Француз шарқшунослик мактаблари ва уларнинг тадқиқот объектлари..... 48
Воҳидова К. Фарғона водийси жадидларининг газетани аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари 68

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Мирзаева М. Шайбонийлар даври туркий ёрликлари хусусида *(Короскон саййидлари ҳужжатлари)*..... 79

ИСЛОМШУНОСЛИК

Муҳаммадаминов С. ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари 96

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Исмоилова Ж. Тарих зарварағида Тўмарис сиймоси 113

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мадалиева О. “Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида 125

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Усмонов И. ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида 146

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 245 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Эшонова С. Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар..... 156

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Абдухалимов Б., Камолиддинов Ф. Центральная Азия и Совет сотрудничества арабских государств Залива – в меняющемся миропорядке 174

Акрамова Ш. Социально-экономическая ситуация в КНР после «Культурной революции» 184

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 3 майдаги мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Баҳтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Тошов Нурёғди
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

30.10.2024 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,37. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:27-24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Ғ. Бобоёров,
М. Сувонкулов

“Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари

Бугунги кун тарихшунослигида Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, минтақа туркий халқлари этник шаклланиши билан боғлиқ бир қатор муаммоларга дуч келинади. Улардан бири “турк” этнографик гуруҳи мисолида кўзга ташланиб, ушбу гуруҳ минтақанинг қайси ҳудудларида, қандай омиллар асосида шаклланган ва бу гуруҳнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа масалалар ҳалигача ўз ечимини топмаган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё халқлари тарихи билан шуғулланган, хусусан, оврўпалик ва русиялик тадқиқотчилар минтақанинг маҳаллий аҳолисини сезиларли бир қисми ўз уруғ-қабилачилик анъанасига эгалиги, айниқса, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва туркманларда бу анъана яққол сақланиб қолганига эътибор қаратишди. Минтақанинг кўп сонли аҳолиси бўлмиш ўзбек ва кам сонли тожикларда эса бундай анъана бирмунча кам учраши, шу билан бирга, бу ҳолат жойларга қараб фарқланиши, ўзбекларда ҳам уруғ-қабилачилик анъаналари сақланиб қолганига доир бир қатор тадқиқотлар эълон қилишган [40; 10; 11; 30: 532–557; 28].

Тадқиқотлардан аён бўлишича, ўзбекларда уруғ-қабилачилик муносабатларини минтақанинг бошқа туркий халқлариники билан солиштирганда умумийлик кўзга ташланса-да, бу масалада ўзига хосликлар ҳам мавжуд. Жумладан, “92 бовли ўзбек уруғи” тушунчасининг мавжудлиги, ўзбек уруғларининг фақатгина қипчоқ ёки

қарлуқ компонентларини эмас, балки ўғузларга хос жиҳатларни ҳам қамраб олгани, кўплаб этнонимларнинг минтақанинг бошқа туркий халқлариники билан бирдай ёки яқин ўхшаш экани, уруғ билан боғлиқ атамалардаги ўхшашлик ва бир хилликлар эса умумийликдан дарак беради. 1960–70 йилларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, этник таркиби ҳамда минтақалардаги қатор субетнослар бўйича Б. Аҳмедов, К. Шониёзов, М. Эрматов, Х. Дониёров, Ҳ. Тошев каби олимларнинг фундаментал монография ва тадқиқотлари чоп этилди [3; 42; 41; 43; 13; 12; 34]. Шунингдек, С. Қораев, У. Тўйчиев каби топономист ва элшунос олимларнинг тадқиқотларида ҳам минтақанинг тарихий жой номлари, хусусан, Зарафшон воҳаси этнотопонимлари лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиниши [44; 45; 36: 34–45; 37: 46–54; 20; 39; 7; 6; 9], Жиззах ва Нурота воҳалари [21: 69–77; 31], Жанубий Ўзбекистон вилоятлари бўйича амалга оширилган илмий изланишларда [26; 24] ҳам ўзбек уруғларининг бу масалада қардош туркий халқлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларига у ёки бу даражада эътибор қаратилар экан, ўзбекларнинг “турк” гуруҳига ҳам бирмунча тўхталиб ўтилгани кўзга ташланади. Улар орасида Б. Кармишева, Х. Дониёровларнинг изланишлари “турк гуруҳи”га бағишланган махсус тадқиқотлар экани билан алоҳида ажралиб туради [17: 3–22; 8: 92–106].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ўзбекларда “турк” этнографик гуруҳининг мавжудлигини бу масалада қардош халқлар уруғ тизимидан фарқли жиҳатлардан бири сифатида қараш мумкин. Чунки айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, ўзбеклардан бошқа туркий халқларда, масалан, қирғиз ёки туркман, қозоқ ёки қорақалпоқ уруғлари орасида ўзларини “турк” ёки “турк гуруҳи”га мансуб деб биладиган аҳоли гуруҳига деярли дуч келинмайди [2: 98–133; 14; 15; 1].

Улардан фарқли ҳолда айнан ўзбеклар орасида бундай тушунчанинг борлиги, унинг негизида айнан қандай омиллар ётиши бўйича бир қатор фикрлар вужудга келган. Унга кўра, “турк гуруҳи” ўз мазмун-моҳиятига эга бўлиб, *барлос, мусобозори, калтатой, қарлуқ* каби ўзбек уруғларини қамраб олади. **Биринчидан,** айрим истиснолар борлигини айтмаганда, ушбу уруғларнинг барчаси битта лаҳжада – ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасида сўзлашадилар [8: 92–106; 23: 77–79, 97, 172, 176]. **Иккинчидан,** улар яшайдиган ҳудудларнинг кўпчилиги минтақанинг тоғли ҳудудларига тўғри келади. Бироқ қарлуқлар

бундан бирмунча мустасно. Сабаби, XX аср бошларида минтақанинг деярли тоғ тизмаларига эга бўлмаган қисми – Бухоро воҳасида ўзларини ўзбекларнинг "қарлуқ" уруғига мансуб деб биладиган ўнлаб қишлоқларнинг мавжуд бўлгани [24: 75–76; 42: 37], Қарши беклигининг тоғлик қисмидан анча узоқда жойлашган дашт ва чўл қисмида кўп сонли аҳолига эга Қарлуқ номли қишлоқнинг учраши [27: 359] ушбу уруғ вакиллари минтақанинг фақатгина тоғли ҳудудларида эмас, текислик қисмида ҳам яшаганидан дарак беради.

Турк гуруҳига мансуб аҳолининг ўзига хос, бироқ умумий жиҳатларидан яна бири шуки, гуруҳнинг ҳар бир уруғи орасида ўзларини *турк, барлос* ёки *турк-барлос, мусобозори* ёки *турк-мусобозори, калтатой* ёки *турк-калтатой, қарлуқ* ёки *турк-қарлуқ* деб аташ анъанаси учрайди. Бошқа томондан эса бу масалада ҳам ушбу гуруҳга кирувчи уруғлар орасида бир хил ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, *қарлуқ*лар ўзларини *қарлуқ* ёки *турк-қарлуқ* деб аташар экан, фақатгина ўзларини *қарлуқ* деб биладиган уруғ вакиллари ўзларини *турк-қарлуқ* деб биладиган аҳоли гуруҳидан фарқлайдилар. Шунингдек, ушбу гуруҳдаги *барлос, мусобозори калтатой* уруғлари *қарлуқ*ларга қараганда кўпроқ ўзларининг бир-бирига қариндош эканликларига урғу берадилар.

Турк гуруҳининг яна бир ўзига хослиги шундаки, ушбу гуруҳга мансуб уруғларнинг катта қисми бир-бирига яқин ҳудудларда яшаб, улар тарқалган географияга эътибор қилинганда қандайдир бир ўзаро боғланиб кетган занжирлар шодасига дуч келинади. Гуруҳдаги ҳар бир уруғнинг минтақанинг қуйидаги ҳудудларида ўз "юрти" борлиги, ана шу юртлар орқали улар ўзаро занжирсимон боғлангани [17: 3–22; 22]:

1) ***турклар***: Ўш, Ўзган ва Жалолобод (Жанубий Қирғизистон) Андижон (Марҳамат) – Ўратепа (Тожикистон) – Зомин – Панжикент (Тожикистон) – Бахмал – Ургут – Чироқчи (Лангар/Тарағай) – Китоб – Шаҳрисабз – Деҳқонобод – Бойсун – Сариосиё – Кўлоб (Жанубий Тожикстон) – Шимолий Афғонистон;

2) ***"барлос"лар***: Бахмал – Ургут – Чироқчи – Китоб – Шаҳрисабз – Яккабоғ – Бойсун – Сариосиё – Жанубий Тожикистон;

3) ***"қарлуқ"лар***: Бухоро – Пахтачи (Самарқанд) – Нурота – Муборак (Қашқадарё) – Кўҳитанг (Жануби-Шарқий Туркманистон) – Сурхондарё – Жанубий Тожикистон – Шимолий Афғонистон.

Келтирилган ушбу ҳудудлар занжири бирмунча шартли, чунки Фарғона водийсининг марказий қисмларида (Фарғона вилояти, Данғара тумани) ҳамда Тошкент вилоятида Катта турк, Кичик турк каби қишлоқларни учратамиз [44: 127]. Бироқ улар етарлича ўрганилмагани сабабли бу борада аниқ бир фикр билдириш қийин.

“Турк” гуруҳига кирувчи қолган 2 та уруғ – *калтатой* ва *мусобозори* уруғлари вакиллари нисбатан озчиликни ташкил этиб, улардан бири Жиззах вилоятида учрашини айтмаса, минтақанинг шимолий ва шимоли-шарқий, шунингдек, марказий ҳудудларида учрамайдиган ушбу уруғ вакилларининг асосан минтақанинг жанубий вилоятларида ўзларининг бир неча қишлоқларига эгалиги ўз изоҳини талаб қилади.

“Турк гуруҳи” билан боғлиқ аҳоли масканлари мамлакатимизнинг деярли бир неча вилоятларида учрайди. Бироқ Хоразм воҳасида бу каби этнотопонимлар умуман учрамаганидек, Зарафшон дарёси ўрта ҳавзаларида ҳам бундай топонимларга деярли дуч келмаймиз [20: 144–184]. Зарафшон воҳасининг ўрта ва қуйи ҳавзаларида баланд тоғларнинг деярли йўқлиги бу ерда қадимий туркий уруғ номлари билан боғлиқ этнотопонимлар занжири шаклланишининг олдини олган омиллардан бири бўлиши мумкин. Воҳанинг айрим туманларида қисман қадимий туркий этнонимлар (*мас.* Қарлуқ) сақланган бўлса-да*, қатағон, қовчин, тоғчи, силжиут* каби [35: 16–21; 20: 144–184] Темурийлар даврига алоқадор этнотопонимлар деярли кўзга ташланмайди. Аслида Жиззах вилоятининг Зомин, Самарқанд вилоятининг Ургут, Қашқадарё вилоятининг Ҳисор, Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғларида ўзбекларнинг нисбатан қадимий уруғлари – “турк гуруҳи” ва Темурийлар даври билан боғлиқ этнотопонимлар (Турк, Қарлуқ, Барлос, Мусабозори, Калтатой, Чиғатой, Тоғчи, Қовчин ва ҳ.к.) сезиларли салмоқни ташкил этади [16: 72–80]. Фарғона водийсида, аниқроғи, Андижон, Ўш, Ўзган, Хўжанд вилоятларида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кўриниб, Агар Ўш – Андижон – Мастчоҳ (Ўратепа) – Зомин – Ургут – Ҳисор – Бойсун тоғлари силсиласига назар ташланса бу ерларда ўзбекларнинг “турк гуруҳи”га мансуб уруғ номлари (Турк, Барлос, Қарлуқ ва ҳ.к.)нинг анчагина кенг тарқалгани аён бўлади [47: 76–77; 46: 70–71; 16: 72–80].

“Турк” этноними муайян бир ўзбек уруғининг номи сифатида илк бор XVI асрдан бошлаб учрай бошлайди [33: 165–176; 46: 40, 42, 70; 29]. Жумладан, Сайфиддин Ахсикандийнинг “Жоме ат-таворих” (“Тарихлар тўплами”) асарида келтирилган “92 бовли ўзбек уруғи” рўйхати ва ундан кейинги асрларга тегишли ўзбек шажараларида “турк” этноними илк ўнталикда жой олган уруғлар (*минг, қирқ, юз, найман, дўрман, манғит* ва ҳ.к.) қаторида келмаса ҳам, ўзбек уруғлари билан боғлиқ деярли барча шажараларда ушбу этнонимни учратиш мумкин [32: 29]. Шу билан бирга, ўзбек шажараларида *турк-барлос* ёки *турк-қарлуқ* шаклидаги қўшалоқ этнонимга дуч келинмайди. Ушбу рўйхатдаги *мусобозори* ва *калтатой* этнонимлари деярли қайд этилмаган [5: 145–147]. Шунингдек, ўзларини “турк”ларнинг *калтатой* тармоғига мансуб деб билувчилар қисман бўлса-да, Андижон вилоятининг Марҳамат тумани аҳолиси орасида учрайди [17: 10]. Айни пайтда ушбу туман “турк”ларида ўзларининг аслида *барлос*лардан эканини эслайдиган кекса авлод вакилларига ҳам дуч келамиз.

Маълумки, “ўзбек уруғлари” ёки “92 бовли ўзбек уруғи” тушунчаси XIV–XV асрлар оралиғида Ўрта Осиёдан бирмунча ташқарида – Дашти Қипчоқда, асосан, Волга – Уралбўйлари ва Орол денгизининг шимоли, қисман Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида пайдо бўлиб, XVI асрнинг бошларида минтақага, хусусан, Амударё – Сирдарё оралиғининг марказий ҳудудларига кириб келган эди [4: 12–102]. Дашти Қипчоқ ҳудудидаги кўплаб уруғларга бўлинувчи *турк-мўғул* уруғлари орасида алоҳида “турк” деб аталадиган аҳоли гуруҳи мавжуд бўлганлиги ёки аксинча экани маълум эмас. Бироқ Дашти Қипчоқдаги Олтин Ўрда давлати ёки унинг издошлари – Қозон хонлиги (1438–1552), Қрим хонлиги (1443–1783), Астрахан (Аштархон) хонлиги (1460–1556), Абулхайр ўрдаси (Ўзбек улуси – 1428–1468), Нўғой Ўрдаси (XVI–XVII асрлар), Сибир хонлиги (1468–1598) ва Қозоқ хонликлари (1465–1847) ва ҳоказоларнинг кўчманчи аҳолиси бир-бирига ўхшаш юзлаб уруғларни қамраб олган бўлиб, уларга тегишли шажараларда “турк” этноними тилга олинмайди [18: 12, 120–121; 38: 486–496].

Хаттоки, ёзма манбаларда кўчманчи ўзбеклар давлати – Абулхайр ўрдаси Дашти Қипчоқнинг шарқий ҳудудлари – Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларидан Ғарбий Сибиргача ҳукмронлик қилган кезларда ушбу давлатнинг асосий бошқарувчи ва ҳарбий кучи бўлган ўнлаб

уруғлар номи келтирилганда ҳам “турк” уруғи улар таркибида учрамайди [32: 8–10]. Кўчманчи ўзбек уруғлари билан бирдай номга эга бўлмиш *нўғойлар, қорақалпоқлар* ва *қозоқлар* таркибида ҳам бундай этнонимнинг қайд этилмагани, фақатгина кўчманчи ўзбеклар Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга қўшни ҳудудларга келгандагина, яъни XVI асрдан бошлаб бу ном кўчманчи ўзбеклар таркибида учрай бошлаганига таяниб, “турк гуруҳи”га мансуб уруғларнинг алоҳида ўзбек уруғлари сифатида билина бошлаши мамлакатимиз ҳудуди билан боғлиқ равишда кечганини айта оламиз. Чиндан ҳам *қарлуқ* этнонимини ҳисобга олмаганда, на Абулхайрхон қўшинлари ва на Шайбонийхон қўшинлари таркибида “турк” ва “турк гуруҳи”га кирувчи *барлос, мусобозори* ва *калтатой* этнонимларига дуч келмаймиз.

*Қарлуқ*ларнинг эса ҳам Дашти Қипчоқда, ҳам Амударё – Сирдарё оралиғида учраб, кўчманчи ўзбекларнинг бир уруғи сифатида ўрта аср ёзма манбаларида учраши ўз изоҳига эга. Яъни Чиғатой улуси (1224–1370) ва Темурийлар (1370–1507) даврида Ўрта Осиёдаги сиёсий ва этномаданий жараёнларда фаол қатнашган ўнлаб туркий ва *турк-мўғул* уруғларидан фарқли ўлароқ *қарлуқлар* анча олдинги тарихий жараёнларда кўзга ташланган туркий уруғ бўлиб, улар Турк хоқонлиги (552–744), Қарлуқ ябғулиги/хонлиги (VIII аср иккинчи ярми – IX асрлар), Қорахонийлар давлати (940–1212) даврларидаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашгани маълум [42: 12–37]. Шу билан бирга, Чингизхон ва унинг издошлари даврида Шарқий Туркистон ва Еттисув қарлуқлари мўғулларга бўйсуниб, ҳам Жўчи улуси (Олтин Ўрда), ҳам Чиғатой улуси сиёсий ҳаётида катта ўрин эгаллаган. Демак, қарлуқларнинг кўчманчи ўзбек уруғлари таркибида анча олдин учрай бошлаши бежиз эмас. Абулхайр ўрдаси даврида қарлуқларнинг бир қисми Дашти Қипчоқда, бир қисми эса Амударё – Сирдарё оралиғи ҳудудида яшаган, деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ барлослар ва “турк гуруҳи”га кирувчи бошқа уруғлар учун бундай дея олмаймиз. Чингизийлар даврида, аниқроғи, Чиғатой улуси даврида Олтой, Шарқий Туркистон ва Еттисувда яшайдиган *арлот, барлос, жалойир, сулдуз* каби бир қатор турк-мўғул уруғларининг Амударё – Сирдарё оралиғига кўчиб келгани ва уларнинг ҳар бирига минтақанинг турли воҳаларидан *иқтў* ёки *суюрғол* сифатида алоҳида ерлар ажратиб берилгани ёзма манбаларда ва турли тадқиқотларда қайд этилган [46: 40, 42, 70]. *Жалойир*ларга

Оҳангарон водийси, *арлот*ларга Қоракўл тумани, *барлос*ларга Шаҳрисабз ва атрофлари *суюрғол* қилингани манбаларда тилга олиниши, *жалойир*ларни ҳисобга олмаганда, Дашти Қипчоқ ҳудудида *арлот, барлос, сулдуз* этнонимларининг деярли учрамаслигидан келиб чиқилса [32: 8–11], ушбу уруғларнинг “92 бовли ўзбек уруғлари”дан бирига айланиши Шайбонийларнинг Ўрта Осиёни эгаллаганидан кейинги даврларига тўғри келишини тахмин қилиш мумкин.

Ўзбекларнинг турк гуруҳи билан боғлиқ масалалардан яна бири шуки, дастлабки Дашти Қипчоқ ўзбек уруғлари ва туркман уруғлари ўтроқлашган Бухоро воҳасида XIX аср охири – XX аср бошларида “турк” этноними билан аталувчи бир неча аҳоли масканларининг учрашидир. Бухоро шаҳри атрофида Туркон, Турко деб аталувчи қишлоқлар бунинг яққол мисоли дейиш мумкин [24: 81–82]. Бу ҳолат бу ерда кейинчалик “92 бовли ўзбек уруғи” таркибига кирган “турк” уруғи билан боғлиқми ёки воҳанинг форсий тилли аҳолиси туркий (ўзбек) тилли аҳоли яшайдиган қишлоқларни шундай номлашганлиги масаласи ҳозирча аниқ эмас. Бироқ шуни кўзда тутиш керакки, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам форсий тилли аҳоли туркий тилли аҳоли учун “турк” деган атамани ишлатганлик ҳолатлари мавжуд. Масалан, Қашқадарё вилоятнинг Деҳқонобод туманидаги тожиклар айрим ўзбек қишлоқлари аҳолиси учун “турк” номини қўллаган бўлсалар, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги тожиклар туманнинг ўзбек аҳолисига нисбатан ушбу этнонимни ишлатганликлари, улар сўзлашадиган тил учун “туркий” деган сўзни “ўзбекча” маъносида қўллаганликларини кузатиш мумкин.

Аслида ўзбекларнинг “турк” ёки “турк гуруҳи” деган ибораларининг ишлатилиши, маҳаллий аҳоли орасида ушбу атамаларнинг ишлатилишининг негизида қандай омиллар ётишига теран назар солиш керак бўлади. Бу масала жиддий равишда ўрганилмаган бўлса-да, айрим этнограф олимлар бу борада дастлабки қарашларни ўртага ташлаганликларини айтиб ўтиш зарур. Элшунос олима Б. Кармишева минтақада бу этнонимнинг пайдо бўлиши анча қадимги замонларга бориб тақалишини илгари суриш билан бирга Чингизийлар ҳукмронлиги даврида бу этноним кенг тарқалганини ёзади [17: 3–22; 16: 72–77].

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги бу этноним Турк хоқонлиги давридан бери минтақада кенг тарқалиб, аҳоли қанчалик катта-кичик уруғларга бўлинмасин, улар учун умумий ном сифатида “турк” атамаси ишлатилгани ва шу йўсинда бу ном минтақанинг форсий тилли аҳолисидан фарқлаш мақсадида кенг қўлланилганига урғу берадилар. Чиндан ҳам Турк хоқонлиги, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар даврида минтақанинг сезиларли бир қисмини ташкил этувчи туркий тилли аҳоли учун “турк” номи умумлаштирувчи атама бўлган бўлса, ундан кейинги даврларда ҳам бу ном бундай маъносини сақлаб қолгани кўзга ташланади. Айниқса, Темурийлар даври туркий ва форсий тилли адабиётида “турк” сўзи кўплаб уруғларга бўлинувчи Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудлар аҳолиси учун қўлланилгани, бундан бошқа бирорта этноним узоқ асрлар давомида бундай мавқега кўтарилмагани билинади. Кенг ҳудудларда ёйилган туркийларнинг тилидаги айрим фарқлиликлардан келиб чиқиб, туркийларни фарқлаш эҳтиёжи туғилиб қолган пайтларда айрим ўринлардагина Амударё – Сирдарё оралиши аҳолиси учун “чиғатой турки”, Дашти Қипчоқ аҳолиси тили учун “қипчоқ туркчаси”, Салжуқийлар, Усмонийлар, Эрон ва Ироқдаги туркийлар тили учун “туркмонча” иборалари қўлланилгани маълум [19: 29–35, 66].

Шу билан бирга, умумлаштирувчи маъносидан фарқли ўлароқ фақатгина битта уруғни ифодалаш учун қўлланилган ёки битта уруғнинггина номи бўлган “турк” этноними мавжуд бўлган ёки аксинча эканлиги ҳали яхши ўрганилмагани боис, тарихимизнинг ўз ечимини топмаган мавзуларидан бири ҳисобланади. Ўзбек уруғларидан бири сифатида бундай этнонимнинг ўрта асрлардан бери учраши, “турк гуруҳи”га кирувчи аҳоли гуруҳларининг XX аср бошларигача сақланиб қолгани ва ҳоказолар тадқиқотчилар орасида шундай савол келиб чиқишига туртки бўлмоқда. Кейинги йилларда тадқиқотчилар орасида “ўзини “турк” деб атайдиган ўзбек уруғлари аслида Ашина туркларининг давомчиси бўлса керак”, – деган қарашлар ҳам ўртага ташланмоқда. Бошқа томондан эса келиб чиқиши даштиқипчоқлик бўлиб, қипчоқ лаҳжасида сўзлашган кўчманчи ўзбеклардан фарқлаш учун маҳаллий аҳоли орасида қарлуқ лаҳжасида сўзлашувчи ўзбекларни бу ном билан аташ анъанаси пайдо бўлган, деб қараш

мумкин. Бундан ташқари, ўрта асрларда, айниқса, Чиғатой улуси ва Темурийлар даврида мўғул тилли ва турк тилли уруғлар орасида фарқлаш зарурарти туфайли *турк-барлос, турк-қарлуқ* деган иборалар келиб чиққан, деган мазмундаги қарашларни ўртага ташлаш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, “Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий масалалари талайгина. Бу каби масалаларга ечим топиш учун чуқур изланишлар олиб борилиши талаб этилади. “Турк” этноними ўрта осиёлик туркий халқлар орасида асосан ўзбеклар таркибида учрашининг негизида бир қатор омиллар ётади ва улар ўз изоҳларига эга. Ўзбеклардан ташқари қирғизларда ҳам “турктоу” деган этноним учраши [15: 185], бироқ бу ном ўзбекларникидан фарқли ўлароқ қирғизларнинг кичик бир гуруҳига нисбатан қўлланилади. Тожикларда эса “турк” деб аталса-да, тожик тилида сўзлашадиган кичик бир аҳоли гуруҳи учрайди, бироқ уларнинг XIX аср охири – XX аср бошларида тожиклашган, аслида ота-боболари ўзбек тилида сўзлашганликлари ёзма манбаларда қайд қилинган [16: 75–76]. Демак, “турк” гуруҳининг шаклланиши сўнгги ўрта асрларга тўғри келиб, бу жараёнлар кўпроқ Ўрта Осиёнинг асосан бугунги Ўзбекистон ҳудудларида фаол кечгани, минтақада ўзбек хонликларининг ҳукмронлиги эса бу масалада етакчилик қилган, деган тўхтамга келиш мумкин.

Умуман олганда, ўрта аср ёзма манбаларида ўрин олган ўзбек шажаралари рўйхатида “турк” этнониминг учрашини ўрганиш, шунингдек, XIX аср охири – XX аср бошларига тегишли статистик ва этнографик материалларда ўзбекларнинг “турк гуруҳи” билан боғлиқ масалаларни ёритиш орқали Ўрта Осиёда ўрта ва сўнгги ўрта асрларда юз берган этномаданий жараёнларнинг шу пайтгача қоронғу жиҳатларини аниқлаш имконига эга бўлиш мумкин. Бу даврда “турк гуруҳи”да бир-биридан анчагина фарқли моҳиятга эга бўлган Дашти Қипчоқнинг асосан кўчманчи аҳолига хос анъаналар билан Ўрта Осиёнинг кўпроқ тоғлик аҳолисига хос анъаналарнинг ўзаро қоришуви яққол ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алпысбес М. Шежире казахов: источнике и трдиции. Астана, 2013.
2. Атаниязов С. Этнонимы в туркменском языке. Ашгабат, 1994.
3. Ахмедов Б. Государство кочевых узбеков. Москва, 1965.
4. Ахмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв.: письменные памятники. Ташкент, 1985.
5. Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о термине «92 узбекских племени» в контексте исторических связей тюркских народов // Global-Turk. No. 4. Astana: International Turkic Academy, 2014. С. 145–147.
6. Бегалиев Н.Б. Самарқанд этнотопонимлари тарихидан. Самарқанд, 2011.
7. Бегалиев Н.Б. Ўзбек этнонимлари тарихидан. Самарқанд, 2004.
8. Благова Г. Ф., Данияров Х. Д. Говоры «тюрков» Узбекистана в их отношениях языку староузбекской литературы // Вопросы языкознания, Москва, 1966. № 6. С. 92–106.
9. Бўриев С.Н. Ургут тумани микротопонимларининг лексик-семантик таҳлили / Филол. ф. н.... дисс. автореф. Тошкент, 2010.
10. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Санкт-Петербург, 1865.
11. Гребенкин А.Д. Узбеки // Сборник. Русский Туркестан: Сборник ст. Вып. II. Москва, 1872. С. 51–119.
12. Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалекти. Тошкент, 1976.
13. Дониёров Х. Ўзбек халқи шажара ва шевалари. Тошкент, 1968.
14. Жданко Т.Ж. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Москва, 1950.
15. Каратаев О. Кыргыз этнонимдер сөздүгү. Бишкек, 2003.
16. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. Москва, 1976.
17. Кармышева Б.Х. Этнографическая группа “тюрк” в составе узбеков (Историко-этнографические данные) // Советская этнография. 1960, № 1. С. 3–22
18. Керейтов Р.Х. Ногайцы. Особенности этнической истории и бытовой культуры. Ставрополь, 2009.

19. Кошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғотит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 томлик. Тошкент, 1960.
20. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). Ташкент, 2018.
21. Мошкова В.Г. Ковроделие узбеков племени туркмен // Ковры народов Средней Азии. Ташкент, 1977.
22. Назаров Н. Афғонистон ўзбеклари. Тошкент, 2011.
23. Назаров Р. Ўзбек шевашунослиги: Педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти, университетларнинг филология факультетлари талабаларн учун дарслик. Тошкент, 1996.
24. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) // Материалы к исторической географии Средней Азии / Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. Тошкент, 2001.
25. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолинг-вистик анализи. Тошкент, 1985.
26. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
27. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Тошкент, 2009.
28. Олим Ғ. Ўзбек уруғларидан қатағонлар ва уларнинг тили // Илмий фикр журнали. Самарқанд–Тошкент, 1930, №1. Б. 23-36.
29. Охунов Н. Жой номлари таъбири / Муҳаррир: З. Ҳакимов. Тошкент, 1994.
30. Радлов В.В. Из Сибири. Страницы дневника. Москва, 1989.
31. Салимов Т. Современные этнические процессы в целинных районах Узбекистана: на примере населения Сырдарьинской и Джизакской областей. / Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Москва, 1986.
32. Султанов Т. И. Кочевые племена Приаралья в XV – XVII вв. Москва, 1982.
33. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа» // Средняя Азия в древности и средневековье. Москва, 1977.
34. Ташев Х. Культура и быт животноводов Зарафшанской долины (конец XIX – 60-е XX в.) / Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1968.

35. Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана (по данным топонимии Зарафшанской долины) / Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1990.
36. Туйчиев У. Отражение этнонимов в топонимии Булунгурского района // Ономастика Средней Азии. Фрунзе, 1980, Вып. 2. С. 34–45.
37. Туйчиев У. Этнотопонимы и этническая география Джамбайского района // Ономастика Средней Азии. Фрунзе, 1980. С. 46–54.
38. Трепавлов В.В. История Ногайской Орды / Отв. ред. М.А. Усманов. 2-е изд., испр. и доп. Казань, 2016. С. 486–496.
39. Туробов А.М. Самарқанд этноним ва этноойконимлари. Самарқанд, 2002.
40. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. Санкт-Петербург, 1843.
41. Шаниязов К. этничексой истории узбекского народа. Ташкент, 1974.
42. Шаниязов К. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк). Ташкент, 1965.
43. Эрматов М. Этногенез и формирования узбекского народа. Ташкент, 1968.
44. Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978.
45. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари / Масъул. муҳаррир: А. Муҳаммаджонов. Тошкент, 2005.
46. Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. Leiden–Boston, Brill, 2003.
47. Qorayev S. Toponimika. Toshkent, 2006.

Ғ. Бобоёров,
М. Сувонкулов

“Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари

Мақолада Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан яшаб келаётган, уруғ-қабилачилик анъаналарини ҳозирги кунгача сақланиб қолган, қўшни ва қардош туркий халқлар билан умумийлик билан биргаликда ўзига хос фарқли жиҳатларга эга бўлган “турк” этник гуруҳи ҳақида сўз

боради. “Турк” этнографик гуруҳининг минтақада қачон пайдо бўлганлиги, қайси ҳудудларга қандай жойлашганлиги, минтақанинг форс тилида сўзлашувчи халқлари орасида учраши, шунингдек, минтақадаги бошқа туркий халқлар – *туркман, қозоқ, қирғиз* ва *қорақалпоқ* уруғлари орасида учрамаслиги билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари таҳлилга тортилган. *Барлос, мусобозори, калтатой, қарлуқ* каби уруғларнинг айрим манбалардаги “92 бовли ўзбек уруғлари” рўйхатига киритилганлик ёки киритилмаганлик сабаблари, қайд этилган уруғларнинг ўзларини “турк” ёки “турк гуруҳи”га мансуб деб билишларининг изоҳлари берилган. Мазкур ҳолатда мавжуд статистик ва этнографик материалларда ўзбекларнинг “турк” ёки “турк гуруҳи” билан боғлиқ масалаларини ёритиш орқали Ўрта Осиёда ўрта ва сўнгги ўрта асрларда юз берган этномаданий жараёнларни чуқур таҳлил қилиб ўрганиш орқали ҳал қилиш мумукинлиги ҳақида илмий ечим ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: *этнография, уруғ, турк, қарлуқ, калтатой, мусобозори, барлос, ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, мўғул.*

Г. Бабаяров,
М. Сувонкулов

Теоретические проблемы взглядов на этнографическую группу «тюрк»

В статье высказывается мнение об этносе «тюрк», издавна проживающим на территории Средней Азии, сохранившим до сих пор традиции родоплеменного строя, имеющим общие черты и уникальные различные аспекты с соседними и братскими тюркскими народами. Анализируются теоретические проблемы взглядов, когда в регионе появилась этнографическая группа «тюрк», в каких регионах и как она располагалась, ее наличие среди персоязычных народов региона, а также ее отсутствие среди других тюркских народов региона, как – *туркменов, казахов, кыргызов* и *каракалпаков*. Приводятся причины включения или невключения в список 92-чашных узбекских родов таких родов, как *Барлос, Мусабозори, Калтатой, Карлук,* по

некоторым источникам, а также причины, по которым эти роды считают себя «тюрками» или « тюркской группой». Также, сделаны выводы о возможности решения проблем, связанных с «тюрками» или «тюркской группой» узбеков, обнаруженных в имеющихся статистических и этнографических материалах, путем глубокого анализа этнокультурных процессов, происходивших в Средней Азии в Среднем и позднем Средневековье.

Ключевые слова: *этнография, клан, тюрк, карлук, калтатай, Мусабозори, барлос, узбек, каракалпак, киргиз, туркмен, монгол.*

G. Boboyorov,
M. Suvonkulov

Theoretical problems of views on the ethnographic group “Turk”

The article expresses an opinion about the “Turkic” ethnic group, which has long lived in the territory of Central Asia, which has still preserved the traditions of the tribal system, which has common features and unique various aspects with neighboring and fraternal Turkic peoples. Theoretical problems of direct views are analyzed when the ethnographic group “Turk” appeared in the region, in which regions and how it was located, its presence among the Persian-speaking peoples of the region, as well as its absence among other Turkic peoples of the region such as Turkmens, Kazakhs, Kyrgyz and Karakalpaks. Reasons are given for whether such clans as Barlos, Musabozori, Kaltatoy, Karluk are included or not included in the list of 92-cup Uzbek clans in some sources, as well as the reasons why these clans consider themselves “Turkic” or “Turkic group”. Also, conclusions were drawn about the possibility of solving the problem associated with the “Turk” or “Turkic group” of Uzbeks, found in the available statistical and ethnographic materials, through an in-depth analysis of the ethnocultural processes that took place in Central Asia in the Middle and Late Middle Ages.

Keywords: *ethnography, clan, Turkish, Qarluq, Kaltatay, Musabozori, Barlos, Uzbek, Karakalpak, Kyrgyz, Turkmen, Mongolian.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Абдуллаев Ботиржон Қосимович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
2. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Бобоёров Ғайбулла Боллиевич –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.
5. **Воҳидова Комила Абдуллозизовна** – тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети докторанти.
6. **Исмаилова Жаннат Ҳамидовна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурҳониддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло қизи –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
11. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
12. **Остонов Жаҳонгир Давлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – Гулистон давлат университети таянч докторанти.
14. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.

Наши авторы

1. **Абдуллаев Ботирджан Косимович –** младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, вице-президент Академии наук Республики Узбекистан, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Бабаяров Гайбулла Боллиевич –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Национального археологического центра Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Вохидова Комила Абдуллазизовна** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Наманганского государственного университета.
6. **Исмаилова Жаннат Хамидовна** – доктор исторических наук, профессор, директор Государственного музея истории Узбекистан Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурханиддин угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – доктор философии по филологии (PhD), старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло кизи –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Остонов Джахонгир Давлатович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – базовый докторант Гулистанского государственного университета.
14. **Усмонов Иброхим Собирович –** кандидат исторических наук, доцент, докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bahrom A. Abduhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, vice-present of Uzbekistan Academy of Scince, Director of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
2. **Botirjon Q. Abdullaev** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
3. **Farrukh B. Kamoliddinov** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
4. **Gaybulla B. Boboyorov** – Doctor of Science (in History), professor, Deputy Director of the National Archaeological Center of Uzbekistan Academy of Scince.
5. **Ibrohim S. Usmonov –** Candidate of Historical Sciences, associate professor, DSc student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
6. **Jahongir D. Ostonov –** PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
7. **Komila A. Vohidova –** Candidate of Historical Sciences, Associate Professor, DSc student of Namangan State University.
8. **Maftuna M. Mirzayeva** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
9. **Muzaffar Z. Suvonkulov –** PhD student of Gulistan Satate University.
10. **Natalia E. Karimova –** Doctor of Science (in History), professor, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
11. **Oysara R. Madalieva –** PhD in Philology, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** Candidate of Historical Sciences, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.

13. **Salimakhon N. Eshonova** – Candidate of Philology Sciences, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
14. **Shoira M. Akramova** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
15. **Zhannat Kh. Ismailova** – Doctor of Science (in History), Professor, Director of the State Museum of History of Uzbekistan of Uzbekistan Academy of Sciences.